

Салафларнинг Қуръонга амал қилишлари



12:40 / 11.05.2019 4861

Аллоҳ таолонинг салафларга барака бериши ва саҳобий Усаид ибн Ҳузайр иштирокида бўлгани каби Қуръон ўқилса, фаришталар тушишидан ва уларнинг бирортасини илон чаққанда «Фотиҳа»ни ўқиса, Аллоҳнинг изни билан тузалиб кетганидан ажабланмаймиз.

Бутунги кунда Қуръоннинг ҳаммасини ўқисак ҳам, унинг таъсири ва фойдаси йўқ - на касэл тузалади ва на фаришта тушади. Салафлар эришган нарсага етишимиз учун қандай воситалар бизга кўмак беради?

1. Аллоҳ таоло Қуръондан таъсирланиб, баданлари титрайдиган, нафслари унга қаттиқ интилиши натижасида иймонлари нури зиёда ва мустаҳкам бўладиган мўмин бандаларни мақтади: «**Аллоҳ энг гўзал Сўзни** (оятлари фасоҳат ва балоғатда) **бир-бирига ўхшаган**, (ичидан ҳукмлари) **такрор-такрор келувчи бир Китоб - Қуръон қилиб нозил қилдики**, (ундаги

Аллоҳнинг азоби ҳақидаги оятларни тиловат қилганларида) **Парвардигорларидан кўрқадиган зотларнинг терилари титраб кетар, сўнгра терилари — баданлари ҳам Аллоҳнинг зикрига юмшар - мойил бўлур**» («Зумар», 23). **«Фақат Аллоҳ (номи) зикр қилинганида қалбларига кўрқинч тушадиган, Унинг оятлари тиловат қилинганида иймонлари зиёда бўладиган ва Парвардигорларигагина суянадиган кишилар (ҳақиқий) мўъминдирлар**» («Анфол», 2). Бу маънодаги оятлар Қуръонда кўп учрайди.

2. Ояти карималар ишора қилган бу маънодан келиб чиқиб, салафи солиҳларнинг (Аллоҳ уларнинг ҳаммасидан рози бўлсин) Қуръонга ундаш, тиловат қилиш, оятларни тадаббур қилиш ва ҳукмларига амал қилиш орқали Аллоҳнинг китобига қанчалик боғланганини ажойиб мисоллар тариқасида кўриш мумкин. Имом Ҳасан Басрий (раҳимаҳуллоҳ) Қуръон ва унга амал қилганлар ҳақида бундай дейди: «Сизлардан аввалгилар Қуръонни Парвардигорлари томонидан келган ҳужжат деб билар, шу сабабли уни кечалари тиловат қилиб, кундузлари эса унга амал қилардилар».

Энди уларнинг сўзлари ва ҳолатларидан баъзи мисолларни келтирамиз.

3. Аллоҳнинг китобини яхши кўриш ва уни маҳкам ушлаш борасида қуйидаги сўзлар ворид бўлган:

Улуф саҳоба Абдуллоҳ ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу) айтади: «Ким Аллоҳ азза ва жаллани яхши кўрса, нафсини Қуръон томонга бурсин. Чунки Қуръон Аллоҳнинг каломидир. Кимки Қуръонни севса, Аллоҳ азза ва жаллани севган бўлади».

Суфён ибн Уяйна айтади: «Аллоҳ азза ва жалла сизларга бошқа нарсалардан кўра севиқли ўлмагунча юқори чўққига ета олмайсизлар. Ким Қуръонни севса, дархақиқат, у Аллоҳ азза ва жаллани севибди».

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Сизларнинг биронтангиз Аллоҳни яхши кўриш ҳақида ўз нафсидан эмас, балки Қуръондан сўрасин. Агар Қуръонни яхши кўрса, Аллоҳ таолони ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни яхши кўрган бўлади. Агар Қуръонни ёмон кўрса, Аллоҳ ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ёмон кўрган бўлади».

4. Салафи солиҳларнинг Қуръонни давомли тиловат қилишига тааллуқли нарсаларга қуйидаги далилларни келтирамиз:

Амирул мўъминин Усмон ибн Аффон (розийаллоҳу анҳу) ва Ҳузайфа ибн Ямоний (розийаллоҳу анҳу) айтадилар: «Агар қалбларимиз пок бўлганда эди, Қуръон ўқишдан сира тўймасдик».

Улуғ саҳобий Абу Мусо Ашъарий (розийаллоҳу анҳу) айтади: «Мен ҳар кун бир марта Раббимнинг аҳдига қарамаслигимдан ҳаё қиламан».

Имом Қуртубий айтади: «Муҳаммад ибн Шужоъ вафот қилаётиб уйига ишора қилди ва деди: «Мен уйда ўқиган намозларимда Қуръонни уч минг марта хатм қилдим».

Саҳобалар Қуръонга берилиб сўнг уни ўқишдан ғофил қолишни шармандалик, деб ҳисоблар эди.

Абу Олия айтади: «Қуръонни таълим олиб, сўнг ундан бирор нарса ўқимасдан ухлашни гуноҳлардан, деб ҳисоблар эдик».

6. Салафлар Қуръонни ўқиш билангина чекланиб қолмасдан, балки уни ёд олишар ва оятларнинг маъноларини тадаббур қилишарди. Уларнинг ичида Қуръонни ёд биладиганлари кўп эди. Абу Наъим «Авлиёлар беаги» номли китобида Ҳарб ибн ал-Асвад Дайламий отасидан ривоят қилган санадда келтиради: «Абу Мусо қорийларни жамлаб: «Менинг ҳузуримга фақат Қуръонни ёд олганларгина кирсин», деди. Шунда унинг олдига уч юзга яқин одам кирди. У бизга ваъз-насиҳат қилиб деди: «Сизлар шаҳар ахлининг қорийларисиз. Қуръонни узоқ муддат ўқимасдан ташлаб қўйманглар, акс ҳолда ахли китобнинг қалблари қотиб қолганидек, калбларингиз қотиб қолади», деди.

7. Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзига амал қилган ҳолда оятларни тадаббур қилишда намуна эдилар: «(Эй Муҳаммад, ушбу Қуръон барча одамлар) оятларини тафаккур қилишлари ва ақл эгалари эслатма-ибрат олишлари учун Биз сизга нозил қилган бир муборак Китобдир» (Сод, 29).

Муҳаммад ибн Каъб (розийаллоҳу анҳу): «Кимга Қуръондан хабар етса, гўёки Аллоҳ унга гапирибди. Агар у шунга муяссар қилинса, Қуръон дарсларини оддий машғулот қилиб олмасдан, тадаббур қилиб, унинг ҳукмларига амал қилсин».

Баъзи уломалар бундай дейишади: «Қуръон Раббимиз азда ва жалла томонидан бизга юборилган рисола бўлиб, биз уни намозларда тадаббур қиламиз ва тоат-ибодатларда амалга оширамиз».

8. Улар Қуръонни тадаббур қилиб, озгина ўқиш, эътиборсизлик билан кўп ўқишдан яхшироқ, деб ўйларди.

Абдуллоҳ ибн Аббос (розийаллоҳу анҳу): «Менга «Бақара» ва «Оли Имрон»ни тартийл ва тадаббур билан ўқишим бутун Қуръонни эътиборсиз ўқишимдан севимлироқ». «Иза зулзилат» ва «Ал-Қориа»ни тадаббур билан ўқишим «Бақара ва Оли Имрон»ни аҳамиятсиз ўқишимдан севимлидир», деди.

Нуҳайк ибн Саннон исми киши Абдуллоҳ ибн Масъудга: «Мен бир рақъатда муфассал сураларни ўқийман», деди. Абдуллоҳ: «Бу бир шеърни тез ўқийдигандай гап. Кўп қавмлар борки, улар Қуръонни ўқийдилар, лекин Қуръон уларнинг ҳалқумидан нарига ўтмайди. Агар қалбга бориб етса, унда фойдаси, албатта, кўринади», деди.

9. Қуръонни тадаббур қилиш ва тушуниш тарбиявий василадир. Қалб ва кўзларнинг қотиб қолишининг (намланмаслиги) даволайдиган самарали тарбиявий воситадир.

Вуҳайб ибн Вард айтадики: «Мазкур ривоятларни текшириб кўрганимизда Қуръонни ўқиш ва уни тадаббур қилишдан кўра қалбларга таъсирлироқ бирон нарсани топмадик».

10. Тиловат асносида тадаббурни ҳосил қилиш ҳақида Ҳофиз Жалолиддин Суютий айтади: «Тушуниб, тадаббур билан Қуръон ўқиш суннат бўлиб, буюк мақсад ва энг муҳим талабдир. Зеро, шу билан қалблар очилиб, мунаввар бўлади. Тадаббур – оятлар тиловат қилинаётганда унинг маъноларини тафаккур қилиш ва англаш, буйруқ ва қайтариқларини мушоҳада қилиш ва ихлос ила эътиқод қилишдан иборат. Тиловат асносида хато қилса, истиффор айтади, агар раҳмат оятларидан ўтса, Аллоҳдан марҳамат сўрайди, азоб оятларидан ўтса, шафқат ва паноҳ тилайди, Аллоҳнинг поклиги васф қилинган оятлардан ўтса, тасбиҳ айтиб, улуғлайди ёки дуо ояти ўтса, тазарруъ қилиб, дуо қилади».

Имом Абу Ҳомид Ғаззолий айтади: «Банданинг тиловатидан таъсирланиши ўқиладиган оятларнинг сифатига монанд ўзгаришидир. Охират ишлари ва ёмон оқибатлардан огоҳлантирувчи таҳдид оятлари келганда, кўрқувдан ҳолдан тояди. Раҳмат ва мағфират ваъда берилганда эса, хурсандчилиги зиёда бўлади, Аллоҳнинг исми сифатлари зикр қилинганда Унинг буюклигини ҳис қилиб, таслим бўлади. «Аллоҳнинг боласи ва хотини бор» деганга ўхшаш Аллоҳ азза ва жалланинг шаънига тўғри келмайдиган кофирлар айтган гапларнинг зикри келганда, овозини пасайтиради ва бу хунук сўзлардан ҳаё қилади. Жаннат васфи келганда, унга бўлган шавқи кўплигидан ич-ичидан унга интилади. Дўзах сифати келганда, ундан

қўрққанидан этлари титраб кетади».

11. Салафлар тадаббурсиз Қуръон ўқишни инобатга олишмаган. Имом Қуртубий айтади: «Уламолар таъкидлашича, Қуръон ўқувчига қалбини ҳозирлаши ва ўқиш вақтида тафаккур қилиши вожиб бўлади, чунки у Аллоҳнинг бандаларига қилган хитобини ўқийди. Ким Қуръон ўқиганда тафаккур қилиш ва идрок этишга қодир бўла туриб, тафаккур қилмаса, гўёки у Қуръон ўқимаган киши каби бўлади ва ўқишдан кўзлаган мақсадига ета олмайди. Зеро, Қуръон ҳукмлари ҳар хил оятлардан иборат бўлиб, агар Қуръон ўқилган пайтда тафаккур ва тадаббурни тарк этса, оятларнинг ҳаммаси унинг наздида бир хил бўлиб қолаверади ва уларнинг ҳаққига риоя қилинмаган бўлади. Ҳадисларда келишича, қироатда тафаккур қилиш шартдир, чунки у орқали Қуръон ғояси, маънолари ва ажойиботлари англашилади».

Салафи солихларнинг Аллоҳ таолонинг китобини қай ҳолда тадаббур қилганлари ҳақида мисоллар келтириб ўтамыз.

Салафлардан бири айтади: «Мен Қуръонни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитаётганимдек тиловат қилганимдагина ҳаловат топдим. Сўнг ундан тепароқ мақомга кўтарилдимки, ҳатто Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга Жаброил алайҳиссалом ўқиб бераётгандек тиловат қилдим. Кейин Аллоҳ менга ундан олийроқ мартабани марҳамат қилди - мен уни ҳозир сўзловчи Зотнинг ўзидан эшитаётгандек тиловат қиламан ва аввалги ҳолатларда бўлмаган ҳузур-ҳаловатни топаман».

Мутафаккир Муҳаммад Иқбол айтади: «Ҳар куни субҳ намозидан сўнг Қуръон ўқишни одат қилдим. Отам мендан нима қилаётганимни сўрарди. Мен: «Қуръон ўқияпман», деб жавоб берардим. Бу ҳолат уч йил давом этди. Ҳар сафар отам савол берар, мен эса ўша жавобни қайтарар эдим. Бир куни отамга: «Эй ота, анчадан бери бир хил савол берасиз, мен ҳам бир хил жавобни бераман. Бир кун сўраган нарсани эртасига яна қайтарасиз», дедим. Шунда отам: «Мен Қуръонни гўё ўзингга нозил бўлгандек ўқигин, демоқчи бўлардим», деди. Шу кундан бошлаб Қуръонга бошқача юзлана бошладим».

12. Асарларда ворид бўлишича, Қуръони каримни тадаббур қилиш йиғлаш ва уни кўпайтириш орқали намоён бўлади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни касалликлари кучайганда: «Абу Бакрга буюринглар, одамларга намоз ўқиб берсин», дедилар. Шунда уммул мўъминийн Оиша (розийаллоҳу анҳо): «Абу Бакр кўнгли юмшоқ киши, агар

қироат қилса, йиғи унга ғолиб келади», дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Абу Солиҳдан ривоят қилинади: «Ямандан Абу Бакр (розийаллоҳу анҳу) ҳузурига келган инсонлар Қуръон ўқилса, йиғлар эдилар. Шунда Абу Бакр: «Биз ҳам шундай эдик», дердилар.

Амирул-мўъминин Умар ибн Хаттоб (розийаллоҳу анҳу) ҳақида Ҳишом ибн Ҳасандан бундай ривоят келган: «Умар қироат қилса, кўзлари ёшланар ва йиқилиб тушгунча йиғларди. Сўнг одамлар уни касал деб ҳисоблаб, келгунларича уйдан чиқмасди».

Абдуллоҳ ибн Умар (розийаллоҳу анҳу): «Отамга иқтидо қилиб намоз ўқиганимда унинг инграшини ҳатто уч саф орқадан туриб эшитдим», деди. Ривоят қилинишича, Икрима ибн Абу Жаҳл (розийаллоҳу анҳу) агар мусҳафни очиб ўқиса: «Бу Раббимнинг каломи, бу Раббимнинг каломи», деб беҳуш бўлиб йиқиларди.

13. Салафларнинг тиловат чоғида йиғлашлари ҳақида маълумотлар кўп бўлиб, буни ҳосил қила олмаган киши маломат қилинарди.

Имом Нававий айтади: «Йиғлашни ҳосил қилиш Қуръондаги таҳдид ва огоҳлантириш, аҳд ва ваъдаларни фикр қилиш орқали амалга ошади. Агар қайғу ва йиғини ҳосил қила олмаса, ўзидаги бу нуқсонни мусибат санаб йиғласин».

14. Уларнинг Қуръонга амал қилиш борасида бир-бири билан мусобақалашганлари ҳақида хоҳлаганча гапириш мумкин. Улар Қуръонга амал қилиш борасида гўёки майдонда буйруқни кутиб турган аскарга ўхшар эдилар.

15. Қуръонни ҳаётга татбиқ қилиш ва унга амал қилишга имкон топишлари учун уни оздан-оз ёдлаганликлари ҳақида хабарлар келган.

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу): «Бирортамиз Қуръондан ўн оят ёдласак, унинг маъноларини англамасдан ва амал қилмасдан бошқасига ўтмас эдик.

Абу Абдурраҳмон Сулламий айтади: «Бизга Қуръонни ўргатган кишилар, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан таълим олганликлари ва ўн оят ўргансалар, унга амал қилмагунларича ўтмасликлари ҳақида гапирар эдилар. Шу тариқа биз ҳам улардан Қуръонни ва унга амал қилишни ўргандик».

16. Уларнинг Қуръондан кам ёд олишлари эсда сақлаб қолиш ва ёдлашдан ожиз бўлганлари учун эмас, балки амал қилиш масъулиятини ҳис қилганлари учундир.

Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир қанча кишидан иборат қўшинни жўнатаётганларида уларнинг энг ёшининг олдига келиб: «Эй фалончи, сен Қуръондан нима ёдлагансан?» дедилар. У: «Фалон-фалон суралар ва «Бақара» сураси», деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бақара сурасини ёдлаганмисан», дедилар. У: «Ҳа», деди. Шунда у зот: «Бор, сен уларнинг амирисан», дедилар. Шунда улар орасидаги шарафли бир киши: «Аллоҳга қасамки, амал қила олмаслигимдан қўрқим мени «Бақара» сурасини ёд олишдан ман қилди» деган эди (Термизий ривояти).

17. Салафи солиҳлар Қуръонга амал қилиш заруратининг шогирдларига ва улардан кейинги авлодга уқтирардилар.

Агар бир киши Абу Абдурраҳмон Суллабий (розийаллоҳу анҳу) ҳузурида Қуръонни таълим олиб, хатм қилса, ёнига ўтқизиб, кўлини шогирдининг бошига қўярди ва: «Эй шогирд, Аллоҳдан кўрқ. Агар сен ўрганган нарсанга амал қилсанг, сендан афзалроқ одам топилмайди», дерди.

Қорийлардан бири айтади: «Мен устозимга Қуръон ўқиб бердим. Кейин иккинчи марта ўқиш учун келганимда мени тўхтатиб: «Менга Қуръон ўқиб беришни машғулот қилиб олдингми? Уни Аллоҳ азза ва жаллага ўқиб бер ва сени нимага буюриб, сени нимадан кайтаришига аҳамият қил», деди.

18. Аллоҳ таолонинг салафларга барака бериши ва саҳобий Усаид ибн Ҳузайр иштирокида бўлгани каби Қуръон ўқилса, фаришталар тушишидан ва уларнинг бирортасини илон чаққанда «Фотиҳа»ни ўқиса, Аллоҳнинг изни билан тузалиб кетганидан ажабланмаймиз.

Бугунги кунда Қуръоннинг ҳаммасини ўқисак ҳам, унинг таъсири ва фойдаси йўқ - на касал тузалади ва на фаришта тушади. Салафлар эришган нарсага етишимиз учун қандай воситалар бизга кўмак беради? Албатта, бу нарсалар Қуръон ахлоқи билан хулқланиш ва одоблари билан одобланиш билан юзага келади. Айниқса, Аллоҳ таоло Қуръонни ёдлаш ва кўтариш билан шарафли қилган кишилар учун бу жуда муҳим.

"Қуръон қориларига насиҳатнома" рисоласидан